

ФАРГОНАДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ АНВАР ОБИДЖОН ХОТИРАСИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИГА БАФИШЛАНГАН МАЊНАВИЙ-МАЊРИФИЙ ТАДБИРЛАР БЎЛИБ ЎТДИ

Вилоят ҳокимлиги ва Мањнавият ва мањрифат маркази вилоят бўлими ҳамкорлигига ташкил этилган тадбирларда шоир ва ёзувчилар, олимлар, Тожикистон, Қозоғистон, Туркия, Миср давлатларидан меҳмонлар, шоирнинг оила-аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Анвар Обиджон севимли болалар адиби, ўзбек адабиётининг кўзга кўринган намояндаларидан бири эди. Юртимизда сўнгги эллик йилликда бирор бола йўқки унинг ҳикоялари ва шеърларини эшишиб улғаймаган бўлса. У ёзган шеърлар, ҳикоялар ҳар бир ватандошимизнинг хонадонига кириб борди. Анвар Обиджон яратган тимсоллар болаларнинг қаҳрамонига айланди. Шоир ўзидан катта мањнавий мерос қолдирди. Умрини ёшларимиз мањнавиятини юксалтириш, ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишига бағишлади. Адабиёт йўналишида энг қийин ва заҳматли бўлган болалар адабиёти йўналишини танлаб, унга янгидан рух берди, янги даражага олиб чиқди. Ўзбек адабиёти олтин фондини унинг асарларисиз тасаввур қила олмаймиз.

“Она ер”, “Эй, Ёруғ дунё”, “Оловжон ва унинг дўстлари”, “Безгакшамол”, “Аканг қарағай Гулмат”, “Масхарабоз бола”, “Жуда қизиқ воқеа”, “Ерликлар”, “Мешполвоннинг жанглари”, “Аламазон ва Гулмат ҳангомаси”, “Ажойибхона”, “Олтиариқ ҳангомалари”, “Одобли бўлиш осонми?”, “Танланган шеърлар”, “Ўғирланган паҳлавон”, “Баҳромнинг ҳикояси” каби достон, қиссалар, шеърлар, пъесалар ва ҳажвий асарлардан иборат тўпламлар муаллифиидир. Унинг “Қўнғироқли ёлғончи”, “Топсанг ҳай-ҳай”, “Қоринботир”, “Тўтиқул” каби асарлари мамлакатимиз театрларида саҳналаштирилган. Адид 1997 йилда “Шуҳрат” медали, 2011 йилда “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирланган.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Анвар Обиджон қабрини зиёрат қилди.

Олтиариқ тумани маданият саройида бўлиб ўтган “Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал” деб номланган тадбир адабиёт, мањнавият байрамига айланди. Унда “Анвар Обиджон ижодиёт ҳафталиги” доирасида ўтказилган танлов ғолиблари тақдирланди. Шоирнинг шеърларидан намуналар ўқилиб, маданий дастур намойиш этилди.

Фарғона давлат университетида “Анвар Обиджон ижодининг мањнавий-мањрифий аҳамияти” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Республика Мањнавият ва мањрифат маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо анжуман иштирокчиларига видеотабрик йўллаб, Анвар Обиджоннинг ижодий мероси мањнавий тарбияда муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Тадбирда сўз олган вилоят ҳокимининг ўринбосари Файзулло Қосимов ва бошқалар шоир ижодининг мањнавий-мањрифий аҳамияти хусусида сўз юритдилар. Халқаро конференцияда иштирок этган олимлар Анвар Обиджон асарларининг бадиий, мањнавий жиҳатларига эътибор қаратди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram